



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 17 март, № 56 (7558)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**аҳолини рўйхатга олиш** – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

**аҳолини рўйхатга олиш санаси** – аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

**респондентлар** – аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

**рўйхатга олиш варағи** – кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка;

**рўйхатга олиш ҳужжатлари** – аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

**рўйхатга олувчи ходимлар** – Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

**уй хўжалиги** – битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминладиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмастлиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

#### 4-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

## ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ЯНА БИР ТАНТАНАСИ

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

### ■ Инсон қадри улуг

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида юртимизда узоқ йиллардан буйн яшаб келган, бироқ Ўзбекистон фуқароси мақомини олмаган инсонлар муаммосини қонун доирасида ҳал этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Очигини айтиш керак, яқин тарихимизда Ўзбекистонда фуқаролик энг баҳс-мунозарали, аксарият ҳолларда ёпиқ мавзулардан бири бўлиб келди. Маълумотларга кўра,

1991 — 2007 йилларда атиги 482 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2007 йилдан 2016 йилнинг декабрига қадар ҳеч кимга Ўзбекистон фуқаролиги берилмаган.

Мазкур ҳолат қўлаб инсонлар амалда Ўзбекистонда яшаб, унинг тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган бўлса-да, юридик жиҳатдан ҳуқуқлардан маҳрум эканига сабаб бўлаётган эди.

Кейинги уч-тўрт йилда вазият тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари имзо чеккан тарихий Қонун ҳам кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, узоқ йиллар давомида юртимизда меҳнат қилиб, аммо шу пайтга қадар фуқаро сифатида тан олинмаган юртдошларимиз томонидан илиқ кутиб олинди.



## КЛАСТЕР БЎЙИЧА БУХОРО ТАЖРИБАСИ

хоразмликлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафтада Хоразмга амалга оширган ташрифи давомида вилоятда ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ишларни кўздан кечириш асосида қўшни Бухоро вилояти, хусусан, мамлакатимиздаги қалдирғоч кластер тажрибасини ўрганиш, унинг илгор ютуқларини амалда қўллаш юзасидан тавсия ва топшириқлар ҳам берди.

### ■ Ҳамкорлик



Шундан келиб чиққан ҳолда, Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов бошчилигидаги делегация Бухоро вилоятига ташриф бурди.

Делегация аъзолари дастлаб “BCT Cluster” хорижий корхонаси таркибида Ромитан туманида ташкил этилган “BCT Cluster

Агрокомплекс” масъулияти чекланган жамиятига қарашли даладарда бўлиб, деҳқончилик ишларини ташкил этиш жараёни билан яқиндан танишдилар. Юзма-юз мулоқотлар жараёнида кластер усули афзалликлари, унинг деҳқон манфаатдорлигини таъминлашдаги ўрни, замонавий техникалар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлинди. Яратилган қўлайликлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Далада меҳнат қилаётганларнинг ўртача ойлик маоши 2,1 миллион сўм эканлигининг ўзбек кўп нарсасидан дарак беради, албатта.



## ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Юсупжан Юлдашбаев, К. А. Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети Зоотехника ва биология факультети декани, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор:

## Ўзбекистон чорвачиликни ривожлантиришнинг инновацион йўлини танлаган

Кейинги уч-тўрт йил ичида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳасида, жумладан, илм, фан ва таълимда ҳам туб ўзгаришлар, шиддатли ислохотлар амалга оширилаётгани, уларнинг натижалари билан оммавий ахборот воситалари, интернет манбалари орқали яқиндан танишиб бораётган. Ушбу меҳмондўст ва жадал ривожланаётган мамлакатга амалга оширадиган сафар арафасидаман.

“Халқ сўзи” газетаси орқали бу борадаги таассуротларимни ўртоқлашимиз менга катта мамнуният бағишлайди.

### Дунё аҳолиси ҳаётидаги энг муҳим тармоқлардан бири

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорвачилик жабҳаси вакили бўлганим учун ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан мулоқотларимиз кўпинча шу мавзуларга бағишланади, улар билан бу борада дунёда кузатилаётган тенденциялар қатори мамлакатларимизда амалга оширилаётган ислохотларни муҳокама қилиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишни йўлга қўйганмиз.

Аввало, таъкидлашни истардимки, охириги ўн йилда жаҳонда чорвачилик тармоғи қиёфаси мутлақо ўзгарди. Энг жадал ривожланаётган мамлакатларда ҳайвонлардан олинган маҳсулотларга нисбатан талабнинг кескин ўсиб кетиши кузатилмоқда. Бу эса чорва моллари сонини сезиларли кўпайтиришни

тақозо этапти. Муҳим технологик инновациялар ва тузилмавий ўзгаришлар шарофати билан шу бўйича муайян ютуқларга эришиляпти. Масалан, бундай катта ҳажмдаги талаб, асосан, тижорий чорвачилик ва у билан боғлиқ озиқ-овқат занжири ҳисобига қопланмоқда. Айни чоғда аграр ҳудудлар аҳолисининг уй хўжаликларидан чорва боқиш анъанаси ҳам сақланиб қолган. Бундай қадриятнинг яқини томони, улар шу йўл билан ҳам ўз хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминламоқда, ҳам эҳтиёждан ортиб қолган маҳсулотларини бозорга тақлиф этапти.



Юсупжан Юлдашбаев ҳақида:

Ю. Юлдашбаев Россия Фанлар академияси академиги, таълиқ олими. Унинг муаллифлигида 400 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 23 та монография, 35 та дарслик ва ўқув қўлланмалар, 23 та услубий тавсия ҳамда кўрсатмалар, 15 та дастур ва тавсиялар нашр этилган. Шунингдек, 4 та муаллифлик, 9 иштироғи патент ва 11 та маълумотлар базаси учун гувоҳномалар олган.

## КОРОНАВИРУС: ОҒОҲЛИК КЕРАК, АММО ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

Хабар берилганидек, ўтган йилнинг декабрь ойи охирида Хитойнинг Хубэй провинцияси маркази бўлган Ухань шаҳрида илк бор коронавирус инфекцияси (COVID-19) қайд этилди. Шундан сўнг мамлакатнинг кўплаб провинцияларида, бошқа давлатларда, қитъаларда ушбу касаллик кенг ёйилди.

### ■ Долзарб мавзу

16 март ҳолатига кўра, 148 та давлатда 170 мингдан ортиқ кишилар мазкур вирусни юктирган. Албатта, хасталикдан фориғ бўлганлар, уни енгил ўтказаятганлар ҳам

бор. Лекин, афсуски, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шундан келиб чиқиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу инфекцияни “пандемия”, яъни барча мамлакат-

ларда тарқалган касаллик сифатида қайд этди.

Орадан қарийб уч ой ўтиб, ушбу вирус Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Жорий йилнинг 15 март куни

соат 06.00 да Республика Вирусология илмий-тектириш институти лабораториясида Францияда бўлиб қайтган Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 аниқланди. 16 март соат 20:00 ҳолатига кўра, юртимизда ушбу инфекцияни юктирганлар сони 8 нафарни ташкил этмоқда.

Ҳўш, коронавирус профилактикаси ва унинг кенг тарқалиб кетиши-

нинг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга ошириляпти? Аҳоли ўртасида ваҳимани бар-тараф этиш, жумладан, бозорлар ва савдо расталарида нархларнинг асоссиз равишда ошиб кетмаслиги учун нималар қилинмоқда? Мутасадди идоралар вакилларида шу каби саволларга жавоб олдиқ.

3-саҳифага қаранг. ➔

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЗАХИРАСИ ЕТАРЛИ

Коронавирус (COVID-19) инфекцияси кириб келган кўпгина давлатларда аҳолининг саросимага тушиши, одамларнинг озиқ-овқат захирасини шакллантиришга уриниши натижасида нархлар ошиши кузатилмоқда.

Юртимизда ана шундай ваҳимали вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини асоссиз оширишга йўл қўймаслик мақсадида соҳа мутасаддилари томонидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. “Ўзбекизоққовқатхолдин” холдинг компаниясидан хабар беришларича, бугунги кунда юртимиз озиқ-овқат саноатида

12 мингдан зиёд корхоналар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Уларнинг аксариятида иш бир сменада ташкил этилган ва қувватларнинг 70 фоиздан фойдаланилмоқда. Уларда яна қўшимча 30 фоиз қувватни ишга солиш ва ишни икки сменада ташкил этиш имконияти мавжуд.



**КОРОНАВИРУС**  
бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 16 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **170 191** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **77 786** нафар, вафот этганлар сони — **6 526** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 16 март соат 20.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **8** нафар, вафот этганлар йўқ, беморларнинг ахволи қониқарли ҳолатда.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

5-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш; шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш; аҳолини рўйхатга олишлар оралигидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш; ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш.

6-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат: даврийлик; умумийлик ва бир пайтдалик; рўйхатга олишнинг яқка тартибдалиги; шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги; аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги.

7-модда. Даврийлик принципи

Аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор санаси ва мuddати кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги тақдир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қоида тарихида, рўйхатга олишни ўтказиш мўлжалланган санадан камида уч йил олдин киритилади.

8-модда. Умумийлик ва бир пайтдалик принципи

Аҳолини рўйхатга олишнинг яқна белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни бarcha респондентлардан йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтининг ўзида амалга оширилади.

9-модда. Рўйхатга олишнинг яқка тартибдалиги принципи

Шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади.

10-модда. Шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги принципи

Аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди.

11-модда. Аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги принципи

Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш аҳолини рўйхатга олишни яқна бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

2-боб. Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини тартибга солиш

12-модда. Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларига мувофиқ амалга оширилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: аҳолини рўйхатга олиш соҳасида яқна давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини, Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ҳамда рўйхатга олиш варағининг шакллари таъминлайди; аҳолини рўйхатга олишнинг яққийли маълумотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди; давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирилади; аҳолини рўйхатга олишга жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

14-модда. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси: аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар жараёнининг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини амалга оширилади; аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг таҳлилини ўтказиш; аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, аҳолини рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни ташкил этиш ва унинг яққийли натижаларини эълон қилиш масалаларига доир тақдирларни кўриб чиқади; аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ишига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этишни ташкил этади; халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни амалга ошириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг ишчи органидир.

15-модда. Аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан бўвн матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади). Махсус ваколатли давлат органи: рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномасини шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ва рўйхатга олиш варағининг шакллари ишлаб чиқади; рўйхатга олиш варақлари тайёрланишини ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштирилади; рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади; рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди; рўйхатга олиш варақлари ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилишни таъминлайди.

16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузади; маъмурий-ҳудудий бириклар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлайди; маъмурий-ҳудудий бирикларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсаткичлар бўлишини таъминлайди; жалб этилган рўйхатга олувчи ходимлар таркибини тасдиқлайди; рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этади; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яққийли мебель ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинчалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлайди; рўйхатга олиш варақларини ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун кўрикланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўради; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этади.

17-модда. Вазирликларнинг, давлат кўмиталарининг ва идораларнинг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш учун масъул бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар махсус ваколатли давлат органига аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги вазифаларни бажариш юзасидан кўмаклашади.

18-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари: аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга кўмаклашиш; аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш жараёнида иштирок этиши; жойларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Респондентларнинг ҳамда рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19-модда. Респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Респондентлар: ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш; ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиш

қиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини аниқлаштириш; рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишни талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса – рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслики; рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

20-модда. Рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Рўйхатга олувчи ходимлар: рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиш; аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун меҳнатига ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Рўйхатга олувчи ходимлар: шахсга доир маълумотларни йиғишни бошладдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши; ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши; шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида Аҳолини рўйхатга олиш дастурини белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмуну бузилишига йўл қўймаслиги; шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши, уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги шарт.

4-боб. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш

21-модда. Аҳолини рўйхатга олиш дастури

Шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга ошириладиган саволлар рўйхати Аҳолини рўйхатга олиш дастуридир. Аҳолини рўйхатга олиш дастури куйидаги саволларни ўз ичига олади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси ва жойи; ёши; жинси; миллати; фуқаролиги; яшаш жойи (турган жойи); тилларни билиши; маълумоти; никоҳ ҳолати; болаларининг сони; уй ҳўжалиги таркиби; уй-жой шароитлари; бандлиги; яшаш учун маблағлар манбалари; миграция (ички ва ташқи). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Аҳолини рўйхатга олиш дастурига қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин. Жавоблари давлат сирларига ва қонун билан кўрикланадиган бошқа сирга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлигини ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар киритилишига йўл қўйилмайди. Рўйхатга олиш варағининг шакллари Аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

22-модда. Синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш

Аҳолини рўйхатга олиш дастури лойиҳасини ва рўйхатга олиш ҳужжатларининг шакллари, шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов беришни, шунингдек аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирларни бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий бирикларда синовдан ўтказиш синов тарихида аҳолини рўйхатга олишдир. Синов тарихида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

23-модда. Шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби

Шахсга доир маълумотларни йиғиш респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали амалга оширилади. Шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Респондентлар сўрови давлат тилида тўлиқзилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин. Рўйхатга олиш варақлари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш мuddати ичида яшаш (турган) жойида ҳозир бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар улар уй ҳўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади. Респондент рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади. Аҳолини рўйхатга олиш дастурида назарда тутилмаган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни йиғиш тақиқланади.

24-модда. Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида қақирув асосида мuddати ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлган, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга жалб этилган ҳарбий хизматчилар бўлган ва уларнинг ёпиқ ҳудудларда яшаётган оила аъзоси бўлган респондентлар ҳақидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳарбий қисм командири ёки у ваколат берган шахс томонидан амалга оширилади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида: болалар интернатлари, тарбия муассасаларида, «Болалар шаҳарчалари»да; ижтимоий муассасаларида; диний муассасаларида; шифохоналарда ва бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотларида; зуравонликдан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларида; қамоқда сақлаш жойларида, тергов ҳибсхонасида, ахлоқ тузатиш муассасаларида ва махсус муассасаларда яшаётган (бўлган) респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ушбу қисмда назарда тутилган муассасалар ҳамда ташкилотлар маъмуриятлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлардаги квоталанган лавозимларга юборилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналарининг, халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳуқумат ташкилотлари ваколатхоналарининг ходимлари бўлган чет эл фуқаролари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ дипломатик имтиёзларга ва иммунитетга эга бўлган бошқа шахслар рўйхатга олинмайди.

25-модда. Аҳолини рўйхатга олишнинг яққийли маълумотлари

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш натижасида шакллантирилган йиғма статистик ахборот аҳолини рўйхатга олишнинг яққийли маълумотларидир. Аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини тавсифловчи яққийли маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очикдир ҳамда улар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Аҳолини рўйхатга олишнинг яққийли маълумотларидан фойдаланишда мулкчи ва маънавий зарар етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

26-модда. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларни молиялаштириш

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5-боб. Яққуловчи қондалар

27-модда. Низоларни ҳал этиш

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижроларига етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг қуғга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан қуғга кириди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 16 март № ЎРҚ—611

КЛАСТЕР БЎЙИЧА БУХОРО ТАЖРИБАСИ

хоразмликлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Шундан сўнг делегация аъзолари мазкур ишлаб чиқариш жараёнининг узвий давоми саналган Бухоро шаҳридаги "Bukhara Cotton Textile" қўшма корхонасида бўлдилар. Бу ердаги биргина тўқимачилик корхонасида минг нафардан зиёд йиғит-қизлар меҳнат қиляпти. Умуман эса, пахта-тўқимачилик кластерида жами 4,5 мингта иш ўрни яратилган. — Биз чигитни еқкишдан тортиб, пахтани қайта ишлаш, толани калава илга, кейин матога айлантириш, матони пардозлаш, ундан жаҳон стандартларига мос тайёр маҳсулот тайёрлашга бўлган мураккаб жараёни қамраб оладиган технология "занжир"ни тўлиқ йўлга қўйдик, — дейди мамлакатимиздаги илк пахта-тўқимачилик кластери таъсисчиси, иқтисодий фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов. — Пахтани чуқур қайта ишлашдек мураккаб жараёни амалга ошириш борасида икки йил

давомида катта тажрибага эга бўлдик. Бу бошқалар учун тайёр андоза вази фасини ўтайди. Шу маънода, Президентимизнинг Бухоро тажрибасини ўрганиш юзасидан берган топшириқлари айна мuddао бўлди. Биз бир-биримиздан жуда кўп нарсани ўргандик. Билмаганни ўрганиш эса жуда катта аҳамиятга эга. Хоразмлик дўстларимиз "Наҳотки, бу сифатли жинси шимлар шу ерда ишлаб чиқарилди?" дея ҳайратларини яшира олишмади. Бу эътирофдан қувондик. Бир далилга эътиборни қаратмоқчиман. Битта жинси шимни тайёрлашда 17 нафар чевар қалб кўри, кўз нурини беради. Дарвоқе, ҳозир биз мато-ларнинг 38 та коллекциясини яратдик. Ҳар биридан тайёр маҳсулот чиқарилмоқда. Улар яқин орада экспортга жўнатилади. Делегация аъзолари бу йирик мажмуадаги иш жараёнини синчковлик билан кузатдилар. Уларнинг қизиқтирган кўпмақсадли саволларга

жавоб олдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Негакки, Хоразмда келгуси йилда пахтани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга, калава ипни уч йилда 35 фоиздан 70 фоизга етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу мақсадга етишда Бухорода тўпланган тажриба айна мuddао бўлиши, шубҳасиз. — Амалий семинар давомида биз Президентимиз топшириқларига кўра, Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан танишдик, — дейди Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Ш. Тўлаганов. — Шунингдек, ушбу пахта-тўқимачилик кластерида ҳам бўлдик. Бу ерда қўри технологиялар асосида турк мутахассислари кўмағида маҳаллий ёшлар томонидан қўри сифатли ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Мухими, далада ишловчилар қўшимча қийматдан баҳраманд бўлишяётган экан. Кластер тизимининг устувор жиҳат-




ларидан бири ҳам шунда. Бу ердаги бой тажрибани ҳар бир тадбиркор ўрганиши керак. Қалдирғоч кластернинг илғор иш услуби оммалаштирилиши эса соҳада сифат ўзгаришларига пойдевор бўлади. Бизда ҳам шунга ўхшаш қорғоналар бор. Ўрганишимизни вилоятимизда татбиқ этамиз, албатта. Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Дил сўзи ҲАЛИ ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП

Бахтиёр РЎЗМЕТОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор: — Давлатимиз раҳбари Хоразмга ташриф асосида бажарилган ишларни чуқур таҳлил қилиш баробарида, вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини ҳам белгилаб берди. Саноат ишлаб чиқаришини тараққий эттириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Чунки вилоят яқни маҳсулотидега саноатнинг улуши жуда кам. Шу мақсадда Питнак шаҳридаги автомобиль заводида маҳаллийлаштириш даражасини 65 фоизга етказиш, келгуси йилдан вилоятда етиштирилган пахта толасини юз фоиз қайта ишлаш, "Ҳазорасп" ЭИЗ ҳудудида умумий қиймати 250 миллион долларлик каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Яна бир муҳим йўналиш — қишлоқ ҳўжалигида кластерларни ташкил қилиш, айниқса, шолчилик ва мева-сабзавотчилик тармоқларини энг илғор агротехнологияларни олиб келиб, ҳосилдорлик ва экспорт ҳажмини ошириш борасида вазифарлар белгилаб берилди. Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида кичик туристик зоналар, Хива шаҳрида "Хоразм хонлари шаҳарчаси"ни ташкил қилиш тўғрисидаги тақдирлар вилоятнинг саноатчилик соҳасини янада ошириб, туризм хизматлари экспортдан тушадиган даромад салмоғини





# ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН

Умуман олганда, дунёда қишлоқ хўжалигида умумий ишлаб чиқаришнинг қиймат бўйича 40 фоиз ҳажми айнан чорвачиликка тўғри келади. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига таянганда бўлса, ушбу тармоқ сайёрамизнинг 1,3 миллиард аҳолиси яшashi ва озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим омилга айланган. Шу боис чорвачилик сектори қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида энг шиддатли раванқ топаётган йўналиш ҳисобланади. Унинг тараққиёти ва янгилини аграр соҳанинг гуллаб-яшнаши, қашшоқликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш имконини беради. Бироқ бундай тезкор ўзгаришлар майда хўжаликлар маргиналлашуви, табиий ресурслар ва инсон саломатлигини тизимли муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар самардорлигига хавф солиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Бинобарин, зарур "Йўл хариталари" ва дастурларни ишлаб чиқишда ана шу факторлар инобатга олиниши фойдадан холи эмас.

Маълумки, чорва боқиш кўп функцияли фаолият саналади. У озиқ-овқат манбаи ва даромад олишдан ташқари, бойлик ортиришининг қимматлироқ активидир, қарз олишда гаровга айланганда ҳамда инқирозли даврларда ҳаёт кечириш кафолати бўла олади.

## Эътибор тубдан ўзгарди

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда чорвачиликдек стратегик тармоқни илғор стандартлар асосида ривожлантиришга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бошқача айтганда, бугунги кунда юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан соҳанинг янги, сифатли даври бошлаб берилди. Гап шундаки, ҳар йили давлат раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатнома йўллаши яхши аънаъга айланган. Унда мамлакат ва халқ ҳаётининг барча жабҳаси қамраб олинади, яқин ва ўрта истиқбол учун аниқ вазифалар белгилаб берилади, мавжуд муаммоларга оқилона ечим йўллари илгари сурилади.

Эътироф этилишича, жорий йилдан Ўзбекистонда чорвачилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми яратилар экан. Жумладан, тармоқ субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар фойда харажатларини қоплаш учун компенсация бериш, субсидиялар ажратиш, хаво транспорти тарифларига чегирмалар тақдим этиш механизми ишга туширилади. Бу халқаро тажрибада ўзини оқлаган молиявий воситалар ҳисобланади. Зеро, бундай қулайлик, масалан, чорва билан шугулланадиган жисмоний ва юридик шахсларга қўшимча рағбат беради, уларнинг рақобатбардор, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун имкониятларини кенгайтиради. Энг муҳими, шу асосда жамиятда озиқ-овқат хавфсизлиги, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва "истеъмол саватчаси"ни

экологик жиҳатдан тоза ҳамда сифатли товарлар билан тўлдиришда ҳам халқчил, ҳам замонавий, ҳам инновацион платформа яратилади. Уз навбатида, Ўзбекистонда чорва ҳайвонларини ихтиёрий суғурта қилиш тизими жорий этилгани, ушбу йўналишда техника турлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Айниқса, ер ресурслари тобора тақчиллашиб бораётган бир пайтда давлат захирасидаги лалми ер ва йилловлар чорвачилик фермер хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига озучабop экинлар етиштириш, томчилатиб ҳамда ёмғирлаштириб суғориш технологиясини жорий қилиш мажбуриятлари билан берилаётгани рационал тақлиф ва яхши ташаббус, деб биламан.

Яна бир томони юртингизда жисмоний шахсларнинг уй хўжалигида етиштирилган қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб сотишдан, шунингдек, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган даромадларига солиқ солинамас экан. Бу ҳам аҳолида ўз турмуш сифатини янада яхшилашлари учун қўшимча маблағ қолишини таъминлайди. Ўзбекистондаги барча қишлоқларда, ҳатто, айрим шаҳарлардаги хонадонларда ҳам чорва моллари боқилиши инобатга олинса, юқоридаги имтиёз ҳам халқ манфаатларига хизмат қилаётганини аниглаб олиш қийин эмас.

## Энг долзарб вазифа

Аслида бундай савй-ҳаракатлар учун бундан уч-тўрт йил олдин пойдевор қўйиш ишлари бошлаб юборилганини мутахассис сифатида яхши биламан. Чорвачиликда ютуққа эришиш учун, аввало, чорва молларини касалликлардан асраш, уларга озуча етказиш тизимини илғор талаблар асосида тақомиллаштириш, соҳа учун малакали кадрлар етказиб беришнинг самарали мезонлари ишлаб чиқиши керак.

Республикада Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тузилгани, чорвачилик ҳамда паррандачилик, қорақўлчилик ва чўл экологиясига ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтлари, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, унинг Нукус ва Тошкент филиаллари фаолияти йўлга қўйилгани бу борада муҳим қодам ҳисобланади. Айни чоғда хўжаликларда ветеринария вачи ва зоотехник штати жорий этилгани, ушбу касб эгаларининг малакасини ошириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш учун шоронитлар яратилётгани ҳам диққатга сазовор. Ўзим зоотехник бўлганим туфайли ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг бу борадаги қувончига шерикман, деб бемалол айта оламан.

Умуман олганда, юқоридаги каби чора-тадбирлар мамлакатда ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишининг олдини олиш,

профилактика ва даволашнинг замонавий усуллари ҳамда маҳаллий, хорижий фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, мамлакатда зооэпизоотик муҳит барқарорлигини таъминлашда айна мудададир.

## Халқ манфаатлари устувор

Ўзбекистонлик дўстларимдан 2020 йилда Ўзбекистонда қиймати 263 миллиард сўмлик, йиллик қуввати 35 минг тонна гўшт ва 35 миллион дона тухум ишлаб чиқарадиган 9 та кластер фаолияти йўлга қўйилиши ҳақида эшитиб қолдим. Узоқ йиллик тажрибага эга мутахассис сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, кластер усули хозирги давр учун энг мақбул йўлди. Зеро, биргина мазкур "занжир" орқали амалиёт, илм-

фан, таълим, тажриба, инновация ва яқиний самара ягона нуктада бирилашиб, буларнинг барчаси, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Масалан, яхлит чорвачилик комплексида ҳам озучабop экинлар экилади, чорва моллари боқилади, тери, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар олиниб, қайта ишланади, селекция ҳамда насликлик ишлари олиб борилади, бу йўлда мутахассислар ва оддий ишчи-ходимлар камарбаста бўлиб ишлайди, олий ўқув юртлиари ва илмий-тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилади, олимлар изланишлар олиб боради, талабалар амалиёт ўтади, биогумус олиниб, ҳам қимматбаҳо ўғит тайёрланади, ҳам муқобил энергия манбасидан фойдаланиш салоҳияти вужудга келади. Қарабсизки, барча жамоа ҳам ўзининг, ҳам халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшади, ёшлар эса келажакда ишончли иш ўринларига эга бўлади. Бундай жараён геометрик прогрессия қоидалари асосида давом этаверади.

Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатда жорий йўлга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Чунки бу барча жабҳа қатори қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик ривожиди ҳам муҳим аҳамият касб этади. Соҳада инновациялар, ноу-хаулар қанча кўпайса, бу нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки янгиловлар камайиб кетишини олдини олиш, экологик барқарорлиқни таъминлашда шунча катта роль ўйнайди. Мисол учун, бу илғор мамлакатлардаги каби ҳайвонот дунёсининг рақамли давлат

кадастрини йўлга қўйишда янги уфқлар очади. Зеро, шу орқали юқори даражадаги илмий тадқиқотларни режалаштириш, биологик муҳофаза чораларини белгилаш, соҳа ривожига оид муҳим амалий қарорларни қабул қилиш учун имкониятлар яратилади. Қолаверса, жажонда Ўзбекистоннинг гастрономик туризм бўйича нуфузини янада оширади. Зеро, ўзбек миллий ошонасида гўшт ва сут маҳсулотлари етацики ўрин эгаллайди, айнан улардан тайёрланган таомларингиз бутун дунёда, хусусан, россиялик сайёҳлар орасида жуда машҳурдир.

## Академик алоқалар кенгайиб бормоқда

Мамлакат келажиги, жамият ҳаётининг барча жабҳасини ҳарқатга келтиривчи куч илм-фан ва

**“Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда чорвачиликдек стратегик тармоқни илғор стандартлар асосида ривожлантиришга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бошқача айтганда, бугунги кунда юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан соҳанинг янги, сифатли даври бошлаб берилди.”**

таълим ривожини билан боғлиқлиги, билим ва янги инновацион технологиялар билан қуролланган етук кадрлар қўлида эканлиги Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сивсатнинг туб мазмунига айланган. Ўзбекистон илм-фан ва таълим соҳасида хорик давлатлари, хусусан, Россия Федерацияси билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб бориш аънаъасига содиқ қолмоқда. Бу икки давлат ўртасида таълим, ёшлар ва олимлар форумлари, талабалар алмашинувини ташкил этиш микёси тобора кенгайиб бораётгани, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ривожланиётгани, хусусан, етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари, қўшма факультетлар очилаётгани, икки томонлама диплом бериш бўйича қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани шундан далolat беради.

Масалан, Россиянинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиаллари қаторига қисқа вақт ичиди "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Тошкент филиали, Миллий технологик тадқиқотлар университети — МИСИСнинг Олмалик шаҳридаги филиали ҳам қўшилди. Қолаверса, Тошкентда С. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти, Москва давлат халқаро муносабатлар

институти, И. Сеченов номидаги 1-Москва давлат тиббиёт университети, Москва архитектура университети, Россия технологик университети филиалларини очиб бўйича битимлар қабул қилинди. Бизнинг К. А. Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети (МСХА) ҳам Ўзбекистондаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Тошкент давлат аграр университети билан ўзаро ҳамкорлик бўйича битимлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг тегишли қарори билан етакчи ОТМларда олий таълим педагоглари малакасини ошириш бўйича ажратилган грант доирасида университетимизга ТДАУ делегацияси таширф буюрди. Мехмонлар муассасамизнинг таълим ва илмий фаолияти билан танишишди, агрономия ҳамда биотехнология, зоотехника ва биология, богдорчилик ва ландшафт архитектура, иқтисодиёт, малака ошириш факультетларида бўлишди. Зеро, Тимирязев академияси МДХ мамлакатларида аграр таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича базавий ташкилот ҳисобланади. Яқин йиллар давомида университетимизга стажировка ва қайта тайёрлов дастурларига мубоҳлик, Ўзбекистондан камида 180 нафар ходим юборилиши кутуляпти. Қолаверса, МСХА профессор-ўқитувчилари ҳам маърузалар ўқиш, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ўқув қўлланмалари яратиш мақсадида мамлакатимизга келиши режалаштирилган. Уз навбатида, ҳамкорликда манфаатли соҳаларда профессор-ўқитувчиларнинг академик маҳоратини кучайтиришга қаратилган семинарлар, вебинарлар, ўқув курслари ва конференциялар ташкил этиш мақсад қилинган. Бу каби муҳим тадбирларга талабалар ҳам жалб этилади.

Келажакда бундай кооперация муносабатларини Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Умуман олганда, бу каби ҳамкорлик алоқалари Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини ўз вақтида самарали рўёбга чиқаришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлайман. Зеро, унда чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсификаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон раҳбарининг шахсан ўзи мана шундай муҳим соҳадаги илмий изланишлар, амалий иштироқларни қўллаб-қувватлаётгани эса кўзланган эзгу мақсадларга эришиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

«Халқ сўзи».

# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КОРРУПЦИЯГА ЧЕК ҚЎЯДИ

Бугунги кунда рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Рақамли технологиялар давлат ва жамият бошқарувини тақомиллаштириш, ижтимоий соҳада одамларга қўпгина қулайликлар яратиши билан бир қаторда, иқтисодий ўсишга ҳам катта туртки беради. Масалан, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради, энг муҳими коррумпцияга чек қўяди.

## Янгилик

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белги-ланган.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили учун қабул қилинган Давлат дастурида "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Жаҳондаги тенденцияларга эътибор қаратсак, дунё йили маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнгги 15 йил ичиди рақамли иқтисодиёт глобал ялпи маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ортган.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки қарра ошириш мақсади қилинган. Бунга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда дунё-

га ҳам татбиқ этилади. Агар дастурнинг бошқа йўналишларига бир қур назар ташласак, бу борада ҳам муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Жумладан, болалар богчаси, масофавий таълим, шаҳар жамоат транспортлари учун ягона электрон чипта, қурилишни назорат қилиш, электрон тиббиёт картаси каби янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳам мазкур лойиҳадан ўрин олган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 600 дан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган. Аммо ушбу йўналишда қилинаётган ишлар ҳали етарли даражада эмас.

Телекоммуникация инфратузилмаси "рақамли шаҳар" концепцияси асоси эканлигини ҳисобга олиб, 2 йил мубайнида 1,5 мингдан зиёд ижтимоий соҳа объектларини (мактаб, богча ва соғлиқни сақлаш) юқори тезлик-

Жаҳондаги тенденцияларга эътибор қаратсак, дунё ялпи маҳсулотининг **15,5 фоизгача** улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этмоқда. Сўнгги 15 йил ичиди рақамли иқтисодиёт глобал ялпи маҳсулотга нисбатан **2,5 баробар** тез ортган.

да "рақамли шаҳар" концепцияси омаллашмоқда. Шу тажрибадан келиб чиқиб, "рақамли Тошкент" тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа худудларга эса тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Хўш, мазкур концепциянинг моҳияти нимада? Ушбу дастур кўп тармоқли лойиҳа саналиб, ўз ичига бир қатор соҳа ва йўналишларни қамраб олади. "Тиббиёт муассасалари паспорти", "UzTrans", Туризм ҳисобини юритиш бўйича "E-Mehmon" ва бошқа ахборот тизимлари аҳоли ҳамда мехмонларга катта қулайлик яратади. Мисол учун, электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қоғоз тўлдиршга кетадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият яратилади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15 та ихтисослаштирилган тиббий марказ, 11 та кўп тармоқли ва 62 та поликлиника "Ягона электрон тиббий карта" ҳамда "Электрон поликлиника" ахборот тизимига улашиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқлар-

даги интернет билан таъминлаш ишларини яқинида етказиш режалаштирилган.

Давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очкилиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш юзасидан кенг ишлар олиб борилади.

"Рақамли Тошкент" — шубҳасиз, ўта йирик юқори молиявий ва инсон омилини талаб этадиган лойиҳа ҳисобланади. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик асосида бизнес доираларининг фаол иштироки учун шароит яратилиши кўзда тутилган. Қисқача айтганда, мазкур лойиҳа аҳолимиз учун кенг қулайлик яратади, вақтни тўғри тақсимлашга имкон беради, ортиқча оворгарчиликларга чек қўяди.

**Баҳром ЗИЯЕВ,** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими **Сирожиддин АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия иҳзор этади.

# ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Халқимизда бир-биридан чиройли, замирида эзгулик, ўзига хос уйғунлик ва ҳамоҳанглик мужассам аънавалар кўп. Айниқса, баҳор фаслида кўча-кўй ва маҳаллаларни, ён-атрофни озода кўринишга келтириш, ниҳоллар экиш яхши одатга айланган. Яқинлашиб келаётган Наврўзи олам олдидаан юртимиз бўйлаб шу ҳаракатлар яна кенг қўлоч ёзди.

## Ташаббус

Ўтган дам олиш кунлари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида салмоқли юмушлар бажарилди. Икки кун давомида маҳаллаларимиздаги тураржойлар, хиёбонлар, боглар, йўл ва йўлақлар, табаррук қадамжолар юртдошларимиз томонидан тар-

тибга келтирилди, мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Кўллаб болалар майдончалари, мўъжаз спорт масканлари, маҳалла гузарлари, кутубхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бор одамлар аҳолидан хабар олдинди.

## Ушбу эзгу ҳаракатларда

- **48 минг** гектардан зиёд майдонлар ободонлаштирилди;
- **32 минг** киломертлик ариқ-зовур ва лотоклар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди;
- **24 миллион** туп мевали ва манзарали дарахт кўчати, **7 миллион** туп гул экилди.

«Халқ сўзи».

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 190 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мураллаб қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
**Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30** Тошпирилди — 23.55

1 2 3 4 5 6